

Ушбу сонда:

- 1 БОШҚАРМА НЕГА ИНҚИРОЗГА УЧРАДИ?
- 2 КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУД ВА ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТИ
- 3 МУРОСАСОЗЛИК—ОЖИЗЛИКДАНДИР
- 4 «СИЗ ТУШЛАРИМГА КИРАСИЗ, ОНАЖОН!»

Вазирлар Маҳкамасида

Қишга пухта тайёргарлик кўрайлик

Вазирлар Маҳкамасида республикамиз иқтисодий соҳаларининг 1998-1999 йиллардаги кузги-қишқи даврига тайёргарлиги масаласига бағишланган мажлис бўлди. Мажлисни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков бошқарди.

Мажлисда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вазирликлар, идоралар, вилоят ва шаҳарлар ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари, корпорациялар, концернлар, уюшмалар, бирлашмаларнинг раислари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Кузги-қишқи мавсумга тайёргарлик ҳақида Коммунал хизмат кў-

сатиш вазири В.Михайлов, Энергетика ва электрлаштириш вазири В.Отаев, Халқ таълими вазири Ж.Йўлдошев, Соғлиқни сақлаш вазири Ш.Каримов, «Ўзбекнефтегаз» миллий корпорацияси раиси И.Зайнутдинов, «Кўмир» акционерлик бирлашмаси бош директорининг биринчи ўринбосари С.Томалак, Тошкент шаҳри ҳокимининг ўринбосари В.Дорохов ҳамда бошқа маҳаллий бошқарув ва ташкилотлар раҳбарлари ҳисобот бердилар.

Мажлисда кузги-қишқи даврдаги ишларни пухта таъминлашга масъул бўлган бир қанча вазирлик, идора, ҳокимлик, муассасаларнинг бу масалага етарли даражада эътибор бер-

маётгани қайд этилди. Шунинг учун ҳам тегишли соҳа, ҳудуд, бўлинма, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг қишқи шароитга тайёргарлигини танқидий таҳлил этиб, ишлаб чиқилган режаларни бажариш бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш тавсия қилинди. Қисқа муддат ичида барча қозонхона, иссиқхона, газ, сув узатиш, канализация тармоқлари, элеваторлар, турар жой ҳамда бошқа биноларни, транспорт воситаларини совуқ кунларга қолдирмасдан таъмирлаб, тартибга солиш зарур. Мажлисда, шунингдек, барча қишлоқ ва шаҳар иншоотларини, энг аввало, даволаш, болалар ва ўқув муассасаларини иссиқлик билан мунтазам

таъминлаш учун лозим бўлган зарур ёқилғи ресурсларини ҳамда бошқа моддий техник жиҳозларни ўз вақтида етказиб бериш зарурлиги таъкидланди.

Мутасадди вазирлик ва идораларга ўртага қўйилган барча муаммоларнинг ўз вақтида ечилиши бўйича муайян топшириқлар берилди.

Мажлисда Бош вазир ўринбосарлари Б.Ҳамидов, Д.Фуломов, Л.Ахметов, В.Чжен, М.Усмонов, Вазирлар Маҳкамасининг ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи Г.Саидова, Тошкент шаҳри ҳокими К.Тўлаганов иштирок этди.

/ЎЗА/



Жиззах вилоятида пахта йигим-терими фидойилари ўз ҳисобларига дастлабки тонналарни ёзиб қўя бошладилар. Пахтакор туманидаги Амир Темур номи ижара ширкатлари бирлашмаси чеварлари Лолахон Қурбонова билан Тозагул Аллашевлар (суратда) ана шундай теримчилардан ҳисобланишади. Уларнинг ҳар бири кунига 120-130 килограммдан пахта теришмоқда.

Келдиёр ЖўРАҚУЛОВ олган сурат.

РЕСПУБЛИКА КАСАБА УЮШМАЛАРИДА

Савдо, умумий овқатланиш, матлубот кооперацияси ва тадбиркорликнинг турли шакллари ходимлари Тошкент шаҳар кўмитаси айна пайтда ўз атрофида турли шаклдаги 675 та корхона ва муассасаларнинг бошланғич касабани уюшма ташкилотларини бирлаштирган. Мазкур ташкилотларда айна пайтда маъмурийят ҳамда касабани кўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномаси асосида меҳнаткашлар ижтимоий ҳимояси амалга оширилмоқда. Ишчи-хизматчилар пенсияга чиқибтганда тўланадиган нафақа, ишламайдиган нафақахўрларга моддий ёрдам кўрсатиш, озик-овқат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини имтиёзли нархларда сотиш каби тадбирлар шулар жумласидандир.

Пойтахт шаҳар соғлиқни сақлаш ходимлари касабани уюшма кўмитаси томонидан касабани аъзоларига йил бошидан бери 150 минг сўмга ёқин моддий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари «Оила йили» муносабати билан шаҳар тармоқ кўмитаси кам таъминланган оилаларни аниқлашда шаҳар «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси билан ҳамкорликда ишламоқда.

Қурилиш ва бинакорлик материаллари саноти касабани уюшмаси Тошкент шаҳар кўмитаси тасарруфидаги ташкилотларда меҳнаткашларни иш шaroитларини яхшилаш, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида 148 миллион 900 минг сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Шу жумладан шаҳар кўмитаси тасарруфидаги ташкилотларда болалар богчасидаги шароитни яхшилаш, меҳнат муҳофазаси, мавжуд ётоқхоналарни таъмирлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тошкентдаги «Тошмаргё» акционерлик жамиятида 40 та кам таъминланган оилаларнинг ҳар бирига 2000 сўмдан, жами 80000 минг сўмлик моддий ёрдам берилди. Шунингдек, «Сувмаш» заводида, «Ўзсувўлчовасобсозлик» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида ва бошқа кўпгина корхоналарда кам даромадли оилаларнинг ҳар бирига минг сўмдан, 2,5 минг сўмгача ёрдам пули берилди. Мазкур корхоналарнинг меҳнаткашларига ҳамда уларнинг оила аъзоларига имтиёзли равишда санаторийларга йўлланмалар ҳам берилмоқда.

Тошкентда «Марказий Осиё ва Кавказорти давлатларида ўсимликшунослик ва чорвачиликда маҳсулдорликни ошириш дастури» мавзусида халқаро семинар бошланди. Анжуманда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ўнга яқин халқаро марказ ва академия раҳбарлари, Жаҳон банки вакиллари иштирок этмоқда.

қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга ошириляпти. Жумладан, бу со-

сида кўплаб лойиҳалар қилинмоқда. Шунингдек, унда генетик ресурсларни сақлаш, кўпайтириш, баҳолаш, ер ва сувдан оқилона

зорти минтақаларида қишлоқ хўжалиги экинлари ва чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш бўйича қатор лойиҳалар кўриб чиқилмоқда. Келажакда ана шу лойиҳалар асосида соҳани ривожлантириш дастури ишлаб чиқилиши кўзда тутилган.

Халқаро семинар икки кун давом этади.

/ЎЗА/

ХАЛҚАРО АНЖУМАН БОШЛАНДИ

ҳага чет эл инвестицияси, замонавий технологиялар жалб қилинмоқда ва илгор иш услублари жорий этилмоқда. Шунингдек, қишлоқ хўжалигини тараққий эттириш бора-

дамдир. Анжуманда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги халқаро марказлар фаолияти, улар олиб бораётган илмий тадқиқотларнинг янги йўналишлари муҳокама

қилинмоқда. Шунингдек, унда генетик ресурсларни сақлаш, кўпайтириш, баҳолаш, ер ва сувдан оқилона зорти минтақаларида қишлоқ хўжалиги экинлари ва чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш бўйича қатор лойиҳалар кўриб чиқилмоқда. Келажакда ана шу лойиҳалар асосида соҳани ривожлантириш дастури ишлаб чиқилиши кўзда тутилган.

/ЎЗА/

БИРЖАЛАРДАН ХАБАРЛАР

«Тошкент» республика қимматбаҳо қоғозлар биржасида бўлиб ўтган оддий акциялар савдосида 61 та ҳиссадор жамиятлар қатнашди. Улар ўзларининг 271,7 мингта акциялари ҳисобига 173,3 миллион сўмлик маблағ эгаси бўлдилар. Савдолар давомида энг юқори самардорликка Фарғона вилояти «Кувасойцемент» ҳиссадор жамияти эришди. Бу жамият ҳам 64,3 мингта акцияларини сотиб 83,5 миллион сўмлик маблағ эгаси бўлдилар. Брокерлик идораларидан 72 таси яхши фаолият кўрсатдилар. Йил бошидан 654 та ҳиссадор жамиятлар ўзларининг акцияларини сотишиб, катта муваффақиятга эришдилар. Умуман айтганда 3116,3 минг та акциялар сотилган.

Республика кўчмас мулк биржаси ва унинг вилоят филиалларида ўтган ҳафтада 27 маротаба савдо бўлиб ўтди. Уларнинг 15 таси қимомшди, 12 таси биржа савдоларидир.

Сармоядор юртдошларимиз, ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга, хорижий тадбиркорларга уй-жой қуриш учун ер майдонлари, қурилиши тугалланмаган биналар, банкот бўлган корхоналар мулкларини, ўрта ва кичик корхоналар, савдо ва маиший хизмат иншоотлари, уй-жой, Узғўштутсаноти уюшмаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиғи, Ўзмева-сабзавот-ҳолдинг компанияси тасарруфидаги кўчмас мулклар, автоуловлар бошқа бир қанча мулклар тақлиф қилинди.

Ҳафта давомида 232 та турли кўчмас мулклар ишбилармонлар ихтиёрига берилди. Уларнинг бир-бирати сотув ҳажми 19 млн. 66 минг сўмдан иборат бўлди. Шундан ҳафта давомида қимомшди савдолари орқали 183 та мулк 14 млн.431 минг сўмга, биржа савдоларида 49 та мулк 4 млн.635 минг сўмга сотилди.

Мазкур ҳафтада сотилган объектлар сони бўйича Сурхондарё вилояти филиали биринчи ўринни эгаллади. Мазкур филиалда 49 та мулк 1 млн. 9 минг сўмга сотилди.

Сотув пули бўйича эса биринчи ўринга биржанинг Навоий вилояти филиали чиқди. Навоийда 29 та объект 7 млн.558 минг сўмга сотилди. Қашқадарё вилоятида ҳафтанинг энг йирик олди-сотди шартномаси имзоланди. Мазкур филиалда Қарши шаҳрида жойлашган 27-«Таъминот» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг мулкларини 6 млн.900 минг сўмга сотилди.

Шунингдек, Биржанинг Қорақалпоғистон Республикаси филиалида 22 та мулк 1 млн.922 минг сўмга, Жиззах вилояти филиалида 14 та мулк 1 млн.434 минг сўмга, Самарқанд вилояти филиалида 21 та мулк 1 млн.718 минг сўмга сотилди.

Ўтган ҳафтада кўчмас мулк биржасида сотилган объектларнинг бошланғич нархиға нисбатан сотилиш баҳосининг ошиши умумий ҳисобда 1,20 баробарни ташкил этди.

«Ишонч» мақолалари изидан «ИНСОФ БЎЛГАНДА ЭДИ...»

«Ўзавтотранс» корпорацияси «Ишонч» рўномасининг 1998 йил 28 июлдаги «Инсоф бўлганда эди...» сарлавхали мақоласи юзасидан қуйидагиларни маълум қилади:

Мақола «Навоийтранс» ва «Самарқандтранс» давлат акциядорлик бирлашмаларида атрофлича муҳокама қилинди.

Шаҳарлараро йўналишда қатновчи автобус ҳайдовчилари билан кўшимча йўриқномалар ўтказилди, автошўхобшбеклар ва автокорхоналар масъул ходимларига ҳайдовчиларнинг ижро интизомини назорат қилишда талабчанликни ошириш вазифаси юклатилди.

Йўловчиларга нисбатан лоқайдлик қилганлиги учун Самарқанддаги 2531 автожамланманинг давлат белгиси 21-80 бўлган автобус ҳайдовчиси Зугуровага нисбатан жазо чорасини белгилаш ушбу автожамланма раҳбарияти зиммасига юклатилди.

Йўловчиларга маданий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш ва бирлашмаларда келгусида бундай қоидабузарликларга йўл қўйилмаслиги чора тадбирлари ишлаб чиқилди.

Уларнинг бажарилиши бирлашма раҳбариятининг доимий назоратига олинди.

М.АЛИЕВ.

Ўзбекистон автомобиль транспортни Давлат акционерлик корпорацияси бошқаруви раисининг ўринбосари.

БОШҚАРМА НЕГА ИНҚИРОЗГА УЧРАДИ?

Бозор имиллашни кечирмайди. Омилкор, билимли, ташаббускор кишинга юксак талаблар даражасида фалак юритиб юксак ишончини оқлайди. Ва аксинча боқимандаликка берилган, ниманидир кутиб яшаётган, муросасозлик йўлини тутганлар эса ўз корхона, ташкилотларини инқирозга яъни синишига сабабчи бўладилар.

«Ўзсувқурилиш» концерни тизимиға қарашли қурилиш монтаж бошқармаси 1984 йили ташкил этилган эди. Йирик жамоа асосан пардозлаш ишларини олиб борди. Мутасадди раҳбарлар ўзларини бозор шароитида ишлашга тайёрлай олмадилар. Улар дебитор, кредиторлик қарзларини ҳал этиш, банк би-

лан малакали муомала қилиш, иқтисодийкни юксалтириб бориш моҳияти ва сирларини синчиқлаб ўрганадилар. Оқибат натижада иш борган сайин орқага кетди. Сансалорлик, ўзибўларчилик авжига чиқди. Боз устига истиқболни белгиловчи доимий дастурнинг йўқлиги ҳам тараққийта тўғаноқ бўлди. 1997 йилда қурилиш-монтаж бошқармасининг умумий қарзи қарийб 14 миллион сўмни ташкил этди. Моддий манфаатдорлик таъминланмагач қурувчиларда иштиёқ сўнди. Кадрлар кўнимсизлиги юзага келди. Энди бу аҳволда сира ишлаб бўлмасди. Шу боис Олий хўжалик судининг қарори билан мазкур қурилиш-монтаж бошқармаси инқирозга учраган, деб эълон қилинди.

Биз сўз юритаётган Мингбулоқ туманидаги Амир Темур номи жамоа хўжалигининг экин майдонлари Сирдарё қирғоқлари бўйлаб ёйилган. Шу кунларда катта меҳнат эвазига етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмасдан йиғиштириб олиш учун кураш қизиб бораётганлиги билан бир қаторда ризқ-рўзимиз ҳисобланган келгуси йил дон ҳосили учун мустаҳкам замин ҳозирлаш бошлаб юборилди.

ака бошлиқ оила пудрати аъзолари шу майдоннинг ҳар гектаридан камиди 50 центнердан ёки ҳаммаси бўлиб 135 тонна дон ҳосили етиштиришга бел боғлашган. Режадан ташқари тайёрланган ҳосил пудратчиларнинг ўзларига қолар экан.

Умуман, келгуси йил мақсадда Андижондан 174 тонна тоза навли уруғ келтиридик. Бунга кўшимча ўзимизнинг вилоятдан ҳам 15 тонна дон уруғи олдик. Барча майдонлар экишдан олдин агротехника қоидаларига биноан тайёрланди. Маҳаллий ва минерал ўғитлар билан озиклантирилди. Сентябрь ойи ичида 50 фоиз майдонларга уруғ селиб чиқилди. Октябрь ойида эса бу иш ниҳоясига етказилди. Йил охиригача ниҳол тўплайди. Бу эса кўчатнинг бешикаст ривожланишини таъминлайди.

О.ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» муҳбири.

ДОН ЭКИШ ҚИЗҒИНИ

Пудратчи Абдумалик Азимов даласида бўлганимизда ҳамма жойда уруғни тупроққа ташлашдан илгарии гектарига 90 килограммдан фосфор, 70 килограммдан калий ўғитлари солинаётганлиги, майдонлар кафтдек текисланаётганлигининг гувоҳи бўдик. 27 гектарлик майдонда экин қиз-

ғин кетаётган эди. Мансур Маматқулов ва Усмонали Мамадалиевлардан иборат экипажнинг турғай чилдирмаси чалинмасдан олдин ишга киришганликларини айтишди. Абдумалик да 730 гектар майдонда ҳосил етиштиришни мўлжаллаганимиз. Шу ниятда ҳозирликни барвақт бошладик, - дейди хўжалик ходислоти Ш.Олиқулов хайрлашишимиз олдида. Шу

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 29 сентябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: %

1 Австралия доллари	61,34	100 Италия лираси	6,37	1 Финляндия маркази	20,69
1 Аустрия шиллинги	8,95	1 Канада доллари	69,77	1 Франция франки	18,77
1 Англия фунт стерлинги	179,01	1 Хитой юани	12,74	1 Швеция кронаси	13,34
10 Бельгия франки	30,53	1 Кувейт дунори	350,27	1 Швейцария франки	76,33
1 Голландия гульдени	55,82	100 Ливан фунти	6,98	1 ЭКЮ	123,75
10 Греция драхмаси	3,66	1 Малайзия ринггити	27,74	10 Жанубий Корея вони	0,76
1 Дания кронаси	16,56	1 Германия маркази	62,94	1 Япония иенаси	7,79
1 БАА дирхамси	28,71	1 Норвегия кронаси	14,25	1 Россия рубли	6,64
1 АКШ доллари	105,43	1 Польша злотийси	29,64	1 Украина гривнаси	31,66
1 Миср фунти	30,96	10 Португалия эскудоси	6,16	1000 Беларусь рубли	1,99
1 Ирландия фунти	157,46	1 Сингапур доллари	62,24	1 Латвия лети	180,35
1 Исландия кронаси	1,53	1 СДР	145,21	1 Литва лити	26,36
10 Испания песети	7,41	1000 Туркия лираси	0,38	1 Молдова лейи	21,31
				1 Қирғизистон соми	4,88

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ САРИ

Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи чакирик VI сессиясида: «Ижтимоий турмушимизнинг демократик институти тарихида сунднинг аҳамияти жиддий оширилиши зарур» деган эди. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22-бобида суд ҳокимияти ва судьяларнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш кўришлари белгилаб берилган. Бинобарин, «Судларни ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади», дейилади Конституциянинг 107-моддасида.

Конституциявий суд ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунлари билан таъинланади. Унинг фаолияти қонун билан белгиланади. Судьяларнинг фаолияти қонун билан белгиланади. Судьяларнинг фаолияти қонун билан белгиланади. Судьяларнинг фаолияти қонун билан белгиланади.

Конституциявий суд ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунлари билан таъинланади. Унинг фаолияти қонун билан белгиланади. Судьяларнинг фаолияти қонун билан белгиланади. Судьяларнинг фаолияти қонун билан белгиланади.



Нуронийлар фахримиз, суюнган тоғларимиздир. Улар тўю тантаналаримизга ҳаммиша бош-қош. Айни пайтда ёшларни анъаналар руҳида тарбиялаш, маҳалла, оилалар осойишта-лигини таъминлашда бой тажрибалари муҳим рол ўйнамоқда. Бунинг таъминини фахрийлар кенгаши раиси Раҳим Жуманов фаолияти мисолида кўриш мумкин. Унинг сай-ҳаракати билан омма орасида ибратли тадбирлар амалга ошириляпти.

Дилдаги оғриқлар МАҲАЛЛА ТОМОШАБИН БЎЛГАЧ...

Маҳалла - азал-азалдан кишиларни бир-бирига боғловчи, яхши ёмон қунларда уларни бирлаштирадиган маскан бўлган. Саховатпеша халқимиз ноҳор, ёрдамга муҳтож оилаларни маҳалла паноҳида сақлаганлар. Қадимдан муаммоли масалалар маҳалла оқсоқоллари ара-лашуви билан ечилган.

Аммо айрим жойларда рўй бераётган кўнгилсизликлар, содир этилаётган жиноятчиларнинг аксарияти одамларнинг лоқайдлиги, маҳалла оқсоқоллари, айниқса фуқаролар йиғинлари раҳбарлари ўз зиммаларидаги масъулиятни тўла ҳис қилмаётганликлари боис келиб чиқмоқда. Жумладан, Пешку туманидаги «Пахтабод» жамоа ҳўжалигининг Чақалон қишлоғида яшовчи Тўйғун Уроқовга Нигора Имомова турмушга чиқиб, икки нафар фарзанд кўрди. У келинларга ҳос елиб-югуриб хизмат қилди. Лекин андишанинг отини кўр-қоқ дейдиганлар ҳам учраб турар экан. Хонадоннинг қатта келини Олия муттасил Нигоранинг гашига тегиб, унга тазийқ ўтказса бошлади. Овсининг қундан-қун чиқараётган қўлиқларидан, айниқса ўз шаъни ва қадр-қимматининг камситилишидан Нигоранинг сабр-тоқати тугади. У устига керосин қўйиб, ўзига ўт қўйди. Минг азоб билан касалхонада вафот этди. Ешгина келинчақнинг умрига зомин бўлганлар ўз жазосини олди. Лекин икки гўдак онанинг иссиқ бағридан, унинг меҳр тафтидан мусово бўлди.

Ушбу ҳолат юзасидан туман прокуратураси томонидан текшириш ишлари олиб борилди ва фуқаролар йиғинида мазкур воқеа муҳокама қилинди.

Аммо афсуски, йиғин томонидан туман ИИБ участка нозир ва жамоатчилик билан ҳамкорликда шу ҳудудда истиқомат қилувчи бошқа нотинч оилалар аниқлан-мади, улар билан тегишли тартибда иш олиб борил-мади. Натигада яна фожеа юз берди: шу йил 7 фев-рал куни «Пахтабод» жамоа ҳўжалигининг Гулҳалон қишлоғида истиқомат қилаётган Назира Примова ўзи-га ўт қўйиб, оғир тан жароҳати олганлиги сабабли ҳаётдан бевақт кўз юмди. Назиранинг ҳам икки нафар боласи қирқираб қолди.

Бундай салбий ҳолатларнинг аксарияти мол-дунё, уй-жой талашиб, айримлари қайнона, қайнота ёки ов-синларнинг камситиши, ҳўрлаши, ноўрин тазийқлари оқибатида келиб чиқаётди. Бироқ оила аъзолари-ю, қўни-қўшни, маҳалла кўйининг эса лоқайд томошабин бўлиб қолаётганлиги ачинарли ҳолдир. Келишмовчи-ликлар чиқаятган пайтда уни бартараф этиш учун ҳам-ма баб-барвар масъул эмасми? Маҳалла-қўй, қўни-қўшни қайқа қаради?

Янгибозор қишлоқ фуқаролар йиғини раисаси Гул-нора опа Воҳидовани суҳбатга тортидик.

- Бизнинг одамларда орият кучли,-дейди Гулнора опа, - бўлар-бўлмаста идорама-идора юришга номус қилади. Хатто айрим аёллар бош ёрилса дўппи тағи-да, кўл синса енг ичиде, деб ўз ҳақ-ҳўқуқларини ҳимоя қилишни ор билишади. Шундай ҳолларга ҳам дўл кел-ганмики, «сен селъсоветга устимиздан додлаб бор-рибсан, энди уйга қадамингни қўйма» деб хотинини ҳайдаётган эр ёки келинини қувлаб солаётган қайнона ва қайноталар бор. Ана шундай кўнгилсизликлар бўл-масин учун биз фуқаролар йиғинимизга қарашли кў-чаларнинг ҳар 2-3 тасига энг намунали оилалардан, жамоат ишларида ибрат бўлаётган аёллардан тайин-лаганимиз. Уларга ҳар бир кўчадан битта ёрдамчи ҳам бор. Бу ишшимизнинг натижаси ёмон бўлмапти.

Гулнора опанинг гапларида жон бор эди. Маҳалла кўп нарсани хал қилади. Турмушда қутулмаган зарба-ларга дуч келиш мумкин. Ҳаёт ҳамма вақт бир маром-да давом этавермайди. Ана шундай кезларда тушқун-ликка тушмай, ҳар бир чигаллини оқилонга хал этиши учун маҳалланинг фаоллари оқил, қатъиятли, адолатли кишилар бўлиши жуда муҳим.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУД ВА ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТИ

Конституциявий суд ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунлари билан таъинланади. Унинг фаолияти қонун билан белгиланади. Судьяларнинг фаолияти қонун билан белгиланади. Судьяларнинг фаолияти қонун билан белгиланади.

Конституциявий суд ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунлари билан таъинланади. Унинг фаолияти қонун билан белгиланади. Судьяларнинг фаолияти қонун билан белгиланади. Судьяларнинг фаолияти қонун билан белгиланади.

Конституциявий суд ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунлари билан таъинланади. Унинг фаолияти қонун билан белгиланади. Судьяларнинг фаолияти қонун билан белгиланади. Судьяларнинг фаолияти қонун билан белгиланади.

Конституциявий суд ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунлари билан таъинланади. Унинг фаолияти қонун билан белгиланади. Судьяларнинг фаолияти қонун билан белгиланади. Судьяларнинг фаолияти қонун билан белгиланади.

Суратда: туман фахрийлар кенгаши раиси Р. Жуманов (ўнгдан биринчи) фаоллар билан ўзаро мулоқотда.

Саволларга Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Бош ҳуқуқий нозир Хамидулла Премкулов жавоб беради

Меҳнат вазифасини бажариш чоғида ногирон бўлиб қолган кишиларга зарар тўловларини белгилашда иш ҳақлари орттирилиши муносабати билан зарарлар қай тарзда қопла-ниши тўғрисида маълумот берсангиз.

Т. МАЪМУРЖОНОВ,
Тошкент вилояти.

Қонун барча учун баробар

Фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига etkazилган зарарнинг ўрнини қоплаш масаласи Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонун ва меъёрий ҳужжатларида ўз аксини топган. Жумладан, Фуқаролик кодексининг 1005- 1006-моддалари шу масалани ёритидади.

1006-моддада айтилишича фуқаро майиб қилинганда ёки унинг соғлиғига бошқа шикаст etkazилганда жабрланувчи оладиган ёки муайян равишда олиши мумкин бўлган йўқотилган иш ҳақи (даромади), шунингдек, саломатлиғига шикаст etkazилиши туфайли қилган қўшимча ҳаражатлари, шу жумладан даволаниш, қўшимча оқватланиш, дори-дармонлар сотиб олиш, протез кўйдириш, бировнинг парварошида бўлиш, санаторий курортда даволаниш, махсус транспорт воситаларини сотиб олиш, бошқа қасбга тайёргарликдан ўтиш ҳаражатлари, агар жабрланувчининг ана шу ёрдам ва парварош турларига муҳтожлиги ҳамда уларни бепул олиш ҳуқуқига эга эмаслиги аниқланса, урни қоплаиши лозим.

Йўқотилган иш ҳақи (даромади) ни аниқлашда жабрланувчи майиб бўлиш ёки соғлиғига бошқа шикаст этиши сабабли тайинланган ногиронлик пенсияси, худди шунингдек, соғлиғига зарар etkazилмасдан олдинги ва ундан кейинги бошқа турдаги пенсиялар, нафақалар, ҳамда шунга ўхшаш тўловлар эътиборга олинмайди ва зарарни қоплаш миқдорини қаматиришга сабаб бўлмайди. Зарарни қоплаш ҳисобига, шунингдек, жабрланувчи соғлиғига шикаст etkazилгандан кейин оладиган иш ҳақи (даромади) ҳам кир-майди.

Юқорида қайд этилган кодекснинг 1013-моддасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иш ҳақининг энг кам миқдори оширилганида бой берилган иш ҳақи (даромади)ни, жабрланувчининг соғлиғига пу-тур etkazилиши ва унинг вафоти муносабати билан белгиланган бошқа тўловларни қоплаш суммалари қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқ-дорининг оширилишига муносиб равишда қўпайти-рилиши кераклиги белгиланган. Яъни, шу йилнинг 1 июлидан энг кам иш ҳақи оширилган юқорида сўз-юритилган тўловлар 1,46 фоизга оширилиши керак.

Қорақалпоғистон Республикасида бу йил то-лидан мўл ҳосил тўп-ланди. Оролбўйи ҳуду-дидаги шу соҳага ишти-роқати қизгин давом-эгаётган бир пайтда баъ-зи текинтомоқ ташмачи-лар ҳам учраб турибди. Булар - Ҳўжайли ўрмон ҳўжалиги ходимлари - Эркинбой Исмоилов, Кенгесбой Сейдуллаев ва «Жайхўн» жамоа ҳў-жалигида истиқомат қи-лувчи Бозорбой Бегдул-

левлар экан. Улар Қон-ликўл туманидаги «Са-риўлтин» деҳқон фермер ҳўжаликлари уюшмаси даладаридан шולי бо-роқларини ўриб, 20 та қопга жойлаштирган ҳолда ўғирлаб кетаёт-ганларидеда қўлга туш-дилар. Ташмачилар усти-дан Қонликўл тумани ички ишлар бўлими то-монидан тергов ишлари олиб борилмоқда. Шуб-ҳалигида истиқомат қи-лувчи Бозорбой Бегдул-

жозоларини олади!

Ҳозир Қорақалпоғис-тонда «Ҳосил-98» опера-цияси изчил давом эт-моқда. Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари кенг жамоатчиликка таянган ҳолда халқ мул-кига кўз олайтирган, шахсий манфаатларини кўзлаб, нафси ҳақалак отган ташмачиларнинг йўлини қатъий тўсмон-қ.

Абду РАҲМОН,
«Ишонч» муҳбири.

Мен 2-гурӯх ногирониман. Шундай бўлиши-га қарамай Улӯбек номли урта мактабда ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс бера-р эдим. Шу вақт давомида яхши ишлаб олий тоифадаги ўқитувчи даржасини олдим. Лекин мактаб директори «Сен ишга яроқсизсан!» деб ишдан бўшатди. Шу тўғрисида?

Мусо ШЕРМАТОВ,
Деҳқонобод тумани.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 100-моддаси 2-қисмида меҳнат шартномасини иш берув-чи ташаббуси билан бекор қилишнинг қатор асосла-ри кўрсатиб берилган. Шу жумладан ҳодим саломат-лиги туфайли ёки малакаси етишмаслиги сабабли ба-жараётган вазифасига ноўлоқ деб топиладанда бу ҳо-дим билан меҳнат шартномаси бекор қилиниши мумкинлиги ҳам айтилган. Бундай ҳолларда иш бе-рувчи яна шу ҳодимга ўзининг саломатлиғига ёки ма-лакасига мос келадиган бошқа ишни (мавжуд бўлган-да) тақлимғ этиши шарт. Агар ҳодим рози бўлса у ана шу янги ишга ўтказилади ва меҳнат муносабатлари давом эттирилади. Эҳ ҳолда эса иш берувчи ҳо-димни 2 ҳафта олдин ёзма оғоҳлантириб унга 1 ойлик ўртача иш ҳақи миқдоридеда ишдан бўшатиш нафақа-сини тўлаб меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақ-ли.

Шу ўринда айтиш керакки, ҳодимни маълум бир гурӯх ногирони деб топилиши учун ишдан бўшатишга тўғридан тўғри асос бўлмади. Бундай вазиятда иш берувчи ҳодим бажарадиган вазифаларни тулик кўр-сатиш ҳолда у шу вазифаларни бажариши мумкин ёки йўқлиги ҳақида ВТЭКнинг ҳулосасини олиши ке-рак ва меҳнат шартномасини бекор қилиш ёки қи-лмаслик шу ҳулосадан келиб чиққан ҳолда хал қилини-ши лозим.

Шу йилнинг март ойида Боёвут туманидаги Н.Маҳмудов номли жамоа ҳўжалигининг 1-бўли-ми худудида, зовур бўйидан номаълум кишининг жасади топилды.

Бу воқеа Боёвут туман прокуратураси ва мили-циясини оёққа тургазди. Шошилич равишда энг малакали ходимлардан иборат тезкор тергов гуру-ҳи тузилди. Боёвут туман-лараро суд-экспертзаси-сининг ҳулосасига кўра ўлим сабабини аниқлаш имкони бўлмаган. Лекин танасида ҳаёт вақтида etkazилган тан жароҳатлари, қовурга суюқлари синганлиги аниқ-ланган.

Ҳуқуқ-тартибот идорала-рининг кўрган тезкор чора-лари натижасида мурда 1991 йил декабр ойидан буён бедарак йўқолган деб ҳисобланиб, қидирув-да бўлган Эркин Шайму-родов эканлиги тасдиқлан-ди.

Марҳум Эркин Шайму-родов вафотидан олдин Нурид Давутовага уйланган, бор-йўғи тўрт ойлар чама-си бирга яшаган. Оила-да тез-тез низолар, уриш, жанжаллар бўлиб турган.

Фахриддин онасининг сўзини ерда қолдирмай, Илмир деган қариндоши билан акасини излаб бор-ди. Уни олиб, йўловчи ма-шинада ортга қайтишди. Эркин уйга етай деганда яна юрмай туриб олди. «Хотиним келмаса, мен ҳам уйга бормайман. Қочлари-нг, йўлимни тўсmalarинг» дея тизирлик қилди.

Фахриддин акасини уйга қараб судради, акаси бўлса йўлга қараб талпин-ди. Охири бу тортишув жанжалга айланиб, қатта «Тарақийёт»дегани қоши қяни жой бўлса, Маст-ала-ст бориб жанжал чиқариб

зидан олов чиқиб кетган Фахриддин жаҳл устида акасининг бошига, қўзига кетма-кет мушт урди. Йи-ўлиб қолди, энди нима қи-ламиз?

- Уйга борамиз!

- Уйлаб гапираяпсанми? Онаминг қон босими ба-ланд, буни кўтаролмайди.

- Нима қиламиз, бўлма-са?

- Тракторингга ортиб, бирор-бир хилватга обо-риб кўмаемиз. Бошқа чора йўқ.

Иккаласи Эркиннинг мур-дасини трактор кабинаси-га ортиб, йўлга тушишди. Биринчи бўлимдаги «Оқ-кўприк» яқинидаги зовур қотилик бўлиб қолди. Ер-ни чуқур қовлаб, мурдани туширишди.

- Илмир, солярекандан озроқ бер, - деди энтиқиб Фахриддин.

- Нега?

- Ишинг бўлмасин, тез-роқ қимирла, вақт кетаяп-ти.

Илмир челака 2-3 литр-лар чамаси солярека қўйиб, Фахриддинга берди. Ҳақ қўлини ювиш учун зовур томонга тушиб кетди. Бир пайт кучли аланга осмонга ўрлаб, атрофини чароғон қилиб юборди. Ҳа, туғиш-ган ука ўз акаси вужудини ёқарди!

Эс-ҳўшини йиғиб, Ил-мир зовурдан қолип чиқ-қанида Фахриддин куч билан тупроқ ташлаб чу-қурни қўмарди.

- Ушанда Фахриддин кеч соат ўн бирларда уйга қайтиб келди, - дея эслади укаси Бахтиёр Шаймуродов, - Акам Қаш-қадарёга кетибди, - де-ди-ю, суҳбатлашгани ҳам тоби бўлмай уйга қайриб ётиб олди. Кейинроқ Қаш-қадарёга бормаганлигини билган, милиция орқали қидирув эълон қилдик.

Ўз акаси жонига қасд қилгани етмагандай, мур-дасини солярека қўйиб ёқиб юборган Фахриддин қўзини қўли қўйиб юравер-ди. Фақат қишлоқда ту-ролмасдан кўч-қўронини кўтариб, узоқ Қашқадарё-га кўчиб кетди.

Лекин акасининг хуни тудди. Қўнаний жазодан қочиб қутулолмади. Ора-дан етти йил ўтиб кетган бўлса-да, қотил жинояти аниқланиб, суд ҳукми билан сажиз йўлга озод-ликдан маҳрум этилди.

Сорабек ХОЛМУРОДОВ,
Абдулмонно АЗИМОВ.

Пойтахт касаба уюшмалари кенгаши янгида ижтимоий-иқтисодий муносабатлар шартларида меҳнаткорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш самардорлигини ошириш, касаб уюшмалари ҳаётини демократлаштиришни янада чуқурлаштиришга жиддий қарашини билдиришди.

Маълумки, ишлаб чиқариш муносабатларида иш берувчи ва ёлланма ишчи ўртасида юзага келадиган муаммоларни ҳал қилишнинг асосий шакли ижтимоий шерикчилик тамойилларига асосланган жамоа шартномалари ва битимлар ҳисобланади. 1998 йил «Оила йили» деб эълон қилиниши муносабати билан шаҳар касаб уюшмалари кенгаши пойтахтимидаги барча корхона ва ташкилотларда касаб уюшмалари, маъмурият ва мулк эгалари ўртасида жамоа шартномаларини тузишга эришди.

Унда асосий эътибор оила манфаатларини ҳимоя этиш бўйича тадбирларни алоҳида бўлим шаклида жамоа шартномасига киритишга қаратилди. Уларнинг бажарилишини эса назорат остига олди. Натيجида оиланинг жамиятда, ишлаб чиқаришда фаол қатнашувини таъминлаш, мавқеини кучайтириш, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича бирмунча ишларни амалга ошириш имконияти яратилди.

«Оила йили» тадбирларини белгилаш ва бажаришда кўпгина корхоналарнинг касаб уюшмалари изчиллик курсатишмоқда.

Янги оилаларнинг ниқоҳдан ўтишлари муносабати билан пул мукофотлари тулаш, оилада фарзанд дунёга келганда корхона маблағи ҳисобидан қўшимча тарзда суюнчи пули бериш, иш вақтида оламдан кўзим олинган ишчиларнинг оилаларини оталиққа олиб, уларнинг ёш фарзандлари бўлса, баалоғат ёшига тулгуларига қадар молдир ёрдам кўрсатиб бериш, пенсияга чиққанларга ишлаган йиллари учун пул мукофоти тулаш каби тадбирлар шулар жумласидандир. Очiq турдаги «2-Автокомбинат» ҳиссадорлик жамиятида, 2 ва 3-трамвай-троллейбус деполарида, «Сувмаш», «Тошмарг» таъминот Давлат университети, 1-Тошкент тиббиёт олийгоҳи, «Ўзбекистон меҳмонхонаси» қўшма корхонаси, «Юнусов», «Тошкентмебель» ҳиссадорлик жамияти, «Семург» очiq турдаги ҳиссадорлик жамияти бу борада бошқаларга ибрат бўлишади. Уларда кўп болали, эҳтиёжман,

камхарж оилаларга турли моддий ёрдам кўрсатишмоқда. Ёш оилаларга рўғор бўюмлари берилиб, туя ва маросимларда бепул хизмат кўрсатишмоқда. Касаб уюшма ташкилотлари шу сингари тадбирларни маҳалла кўмиталари билан ҳамкорликда амалга ошираётгани айтиш мумкин. Бу ўринда «Машина-созлар» маҳалла кўмитасининг «Тошқиллоқмаш» корхонаси касаб уюшма, «Тўқимачи» маҳалла оқсоқоллар кенгашининг «Тошқимачи» жамияти, «Баҳор» маҳалласи раҳбарияти рангли босма фабрикасининг касаб уюшма ташкилотлари билан олиб бораётган ибратли ишлари эътиборга лойиқдир.

Яқиндагина пойтахт меҳнат жамоалари «Оила йили» дастурига биноан Мустақиллик байрамининг етти йиллиги арафасида кам таъминланган ва кўп бола-

си янгили билан алмаштирилди. Меҳнатқашларни ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялашда улар меҳнатини муҳофаза қилиш масалалари етакчи ўринни эгаллади. Буни чуқур аниқлаш бахтсиз ҳодисага учради. Аммо жабрланувчи маъмуриятнинг гайриқонуний қарори туфайли ҳодисага боғлиқ барча ҳуқуқлардан маҳрум этилди. Боз устига иш жараёнида ҳалок бўлган ишчи оиласига етказилган зарарни тулаш масаласида тегишли ёрдам кўрсатишмасдан, уларни суд идораларига мурожаат этишга мажбур этишганини қандай тушуниш мумкин.

Катор корхоналарда жамоа шартномаларига киритилган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича битимларнинг талайгина қисми бажарилмади қилиб кетди. Натихида ўтган йил ва шу

бўлса, иккинчидан эса касаб уюшма раисларининг ўз ишларига лоқайдлик қилди. Бунинг учун эса Президентимиз таъбири билан айтганда «... қонунларни ҳаётга тула таъдиқ қилинишига» эришиши, уларнинг бажарилиши учун жавобгар бўлган тузилмаларнинг масъулиятини ошириш зарур.

Касаб уюшмаларининг масъулиятли вазифаларидан яна бири ишчи хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, дам олишини ташкил этишдан иборат.

Шу эъзу мақсадлар учун пойтахт касаб уюшмалари кенгаши 385,2 миллион сум маблағ ажратди.

Фаолият самардорлигини оширишнинг энг асосий тамойили иш берувчи ҳўжалик раҳбарлари билан ишловчилар вакили-касаб уюшма ташкилоти ўртасида ўзаро ҳамжихатлик, ҳамкорлик ва шерикчилик муносабатлари муҳитини яратилдан иборат.

Асосий муаммо ва вазифалардан яна бири хорижий мамлакатлар сармоядорлари ҳамкорлигида ташкил этилаётган қўшма корхоналарда ишловчи меҳнатқашларнинг ижтимоий ҳимояси масаласидир. Афсуски, уларнинг кўпчилигида касаб уюшма ташкилотлари йўқ. Қўшма корхоналардаги меҳнатчилар эса атрофдаги корхоналарга нисбатан яхшироқ шартнолар ва ўқориқроқ иш ҳақиқа қизиқиб, касаб уюшма ташкилоти аҳамиятини унутиб қўйишапти.

Шаҳар касаб уюшмалари Кенгашининг V пленумида юқорида таъкидланган муваффақиятлар билан бир қаторда мавжуд камчилик ва муаммолар, уларнинг ечимини, бартараф этиш чораларини ҳусусида алоҳида сўз борди.

Дарвоқе, касаб уюшмаларининг шаҳар кенгаши бугунги кунга муҳим аҳамиятга эга бўлган масала озидадан ташаббусни илгари сурди. Мазкур ўқув йилдан эътиборан пойтахтимидаги барча олий ўқув юрларида тахсил олаётган энг аълочи, ҳар томонлама намунали 10 нафар талаба учун касаб уюшмаларининг махсус стипендиясини таъсис этди.

Касаб уюшмалари сафларини билимдон, ташкилотчи, эътиқодли кадрлар билан мустаҳкамлаш, мурасасозлик иллатидан дадил халос бўлиш, изчиллик, ташаббускорлик кўрсатиш фаолиятининг боз мезони бўлмоғи лозим.

Жўрабек СИРОЖИДИНОВ.

МУРОСАСОЗЛИК — ОЖИЗЛИКДАН ДИР

Тошкент шаҳар касаб уюшмалари кенгаши V пленуми иши таҳлили нимани кўрсатди?

ли оилалар фарзандларини дарслик-ўқув қуроллари билан таъминлашда муайян ишларни амалга оширдилар.

Кисқаси, меҳнат жамоалари 10 минг оилага дарслик-ўқув қуроллари сотиб олишлари учун салкам 20 миллион сум маблағ сарфладилар, бу эса 17 минг нафар ўқувчини 59 мингта ўқув қуроллари ва дарсликлар билан таъминлаш имконини берди.

Корхоналарда ижобий ишлар билан бир қаторда камчиликлар ҳам йўқ эмас. «Койнот» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида ишчи-хизматчиларга ойлик маошлари 3 ой давомида туланмаган. Ходимларни таътилга чиқариш жадвали бўлишига қарамай, айрим ходимларга ҳатто уч йилдан то беш йилгача меҳнат таътили берилмаган.

«Чилонзорсавдомаркази» жамоа корхонасида «Оила йили» Давлат дастури бўйича тадбир тузилмаган, қўшимча меҳнат таътил кунлари бериш жорий қилинмаган. «Энергомакс-сустаёмир» корхонасида бундай тадбирлар тузилган бўлса-да, жамоа шартномасига ишчилар учун қўшимча имтиёзлар яратиш боби умуман киритилмаган. Уч ойдан бери ойлик маош туланмаётган, меҳнат муҳофазаси бўйича тадбирлар бажарилмаган. Натихида ушбу жамоада норозилик юзага келиб, касаб уюшма кўмитаси раи-

нинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича битимларида ўз аксини топди. Белгиланган давр ичида меҳнатни муҳофаза қилишга 46 млн. сум сарфланди. Бу ерда ишловчиларни маиший хоналар, жиҳозлар, махсус кийим-бош, пойфал ва бошқа ҳимоя воситалари, сут маҳсулотлари билан таъминлаш масалалари ҳам амалда тула ҳал қилинган.

Афсуски, меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларига муносабат барча ерда бир хил эмас. Катор корхона раҳбарларида бу масалаларга эскича қараш ҳоллари сақланиб қолмоқда. Охириги йилларда киш пайтида «ТОМРЕЗ» заводида, «Ўзбектўқимамаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Сувқурилишмаш» ҳиссадорлик жамияти, «Савдо жиҳозлари» заводи ва бошқа жойларда ишловчилар итисити тармоқлари ўчирилган биналарда ишладилар.

Меҳнатқашлар меҳнатни муҳофаза қилиш масаласига бундай ёндашиш, ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликлари келиб чиқишига, кишилар саломатлигига шикаст етказишига ва қўшимча харажатларга олиб келишини ёддан чиқармаслик керак.

Айрим касаб уюшма кўмиталари корхона маъмуриятига ҳушода қилиб ёки улардан ҳадиксириб мурожаат қилган меҳнатқашлар талабларини қўлаб-қувватламайдилар,

йилнинг 8 ойи мобайнида ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган бахтсиз ҳодисалар оқибатида 54 киши ҳаётдан кўз юмди. Бу ишда айбдор шахслар, раҳбар ва маъсул ходимлар фаолияти қонуний тарзда баҳоланмоғи даркор.

Меҳнатқашларни ижтимоий ҳимоялаш, меҳнат қонуниларига риоя этилишини назорат қилиш касаб уюшмалари зиммасига юклатилган энг муҳим вазифадир. Шундай экан, Меҳнат қонуниларини қундали турмушимизда амалга оширишни таъминлаш учун аввало иш берувчилар ва касаб уюшмаларга доимий равишда амалий ёрдам кўрсатишмоғи лозим.

Бирок, иш берувчилар томонидан меҳнат қонуниларини четлаб ўтиш ҳоллари тез-тез учраб турибди. Чунончи, «Ўзбекнефтгазуқурилиш» Давлат ҳиссадорлиги жамияти тасаруфчилик қўмиталарида таътиллари жадвали тузиш, баалоғатга етмаганларни тиббий кўриқдан ўтказиш, ишга қабул қилиш ва уларнинг иш соатларини белгилашда, меҳнат дафтрасини юриштиришда, ойлик-маош тулашда жиддий камчиликлар борлиги аниқланди.

Мана шундай нуқсонларга «Сувмаҳсуқурилиш», «Маҳсуэлектротармоққурилиш», «Юдуз», «Пайвандчи» ва бошқа корхоналарда йўл қўйилмоқда. Буларнинг асосий сабаби, биринчидан, ҳўжалик раҳбарларининг қонунчилигини яхши билмасликлариди

ХОРИЖГА ЙЎЛ



Очiq турдаги Тойлоқ консерва ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти шу кунларда 20 турдан зиёд қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга эришади. Маъмурият ишловчилар талабларидан келиб чиқиб, завод қўшиқда шарбат ишлаб чиқарадиган янги фирма ташкил этгани айтиш мумкин. Чунки, у шундай йўл билан валютага эга бўлади.

Жамиятнинг 2000 йилгача белгиланган тадбирларида маҳсулотнинг талайгина қисми хорижга сотилиши режалаштирилгани ҳам бежиз эмас. Чунки, у шундай йўл билан валютага эга бўлади.


Айни пайтда корхона тарихида биричи марта анжир, ёлғоқли мураббо ва джемлар тайёрлай болади. Истеъмолчилар эҳтиёжидан келиб чиқиб ишлаб чиқарилган бундай консервалар жами 30 тоннадан ошиб кетди.

Жами маҳсулотларни қайта ишлаш бўйича белгиланган 9 ойлик режа 126 фоиз, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш эса 106 фоизни ташкил этди. Ишлаган имкон топади, деб шунга айтсалар керак-да.

Сурачларда: 1.Идиш тайёрлаш цехи илғорларидан Сожида Холиқова, Мавлуذا Рустамова. 2.Корхона раҳбари Б.Абдуллаев ва бош муҳандис Мирсоли Бердиқуловларнинг тайёр маҳсулотларни кўздан кечираётган пайтини кўриб турибиз.

Н. АЛМУРОДОВ олган сурачлар.

Цех бошлиғи — фан номзоди



Ўзбекистон олимлари пахта чиқиндисини қайта ишлаш натижасида халқ ҳўжалиғи учун ниҳоятда зарур бўлган модда - олеин ва пальмитин кашф этдилар. Бу моддалар кир ювиш кўнунлари, шампунлар ва бошқа воситаларни ишлаб чиқаришда ниҳоятда асқотлади.

Илмийк муаллифи Хайитбой Ортиқов «Урганч» ҳиссадорлик жамиятида цех бошлиғи. У дастлаб илмийликни ўзи раҳбарлик қилаётган цехда синовдан ўтказди.

Фидойи меҳнат самаралари Беруний номли Тошкент Давлат Техника Университети илмий кенгаши томонидан юқори баҳоланди. Муаллифга техника фанлари номзоди унвони берилди.

Сурачда: иқтидорли олим Хайитбой ОРТИҚОВ.

Исроил технологияси асосида

«Навоийдонмаҳсулот» ҳиссадорлик уюшмаси нон заводи Исроилнинг «Паклаин-ЛТД» фирмаси билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Бу ерда қуни-кеча мазкур фирмада ишлаб чиқарилган технология линия ўрнатилди. Унинг ёрдамида хамир қоришдан тортиб, тайёр маҳсулот олишгача барча жараёнлар бажарилади.

Ҳозир корхонада эллик турдаги нон маҳсулотлари чиқарилмоқда. Уларнинг кўли полиэтилен халтачаларига қадоқланган ҳолда истеъмолчига жўнатилаётган.

Еркул УМАР, УЗА мухбири.

Жаҳондаги турли мамлакат ва ўлкалардан юртимизга келатган сайёҳлар оқими кун сайин кенгайиб бораётгани олам эҳлининг Ўзбекистонга қизиқиши тобора ортаётганидан далолатдир. Тўғри, Самарқанду Бухоро, Хевазо Шошнинг довруғи аллақачон оламни тутган, улар азал-азалдан халқорой сайёҳликнинг муҳим нуқталаридан саналса-да, шўро замонида бу ерларни келиб кўриш учун хорижликлар катта тўсиқларга дуч келарди. Бугун эса мустақил Ўзбекистон ўз дарвозаларини дунёга очди. Мамлакатимизга келиб кетаётган сайёҳлар сони эса йилдан йилга кўпайиб бораётган.

Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги элчионасида ушбу давлатдан юртимизга ташриф буюрган бир гуруҳ сайёҳлар билан учрашув бўлди. Улар орасида таниқли рассомлар, ёзувчи ва журналистлар бор. УЗА мухбири уларнинг айримларидан таассуротлари ҳақида сўзлаб беришни сўради.

ЛИ ЖИЕ, машҳур хитойлик сайёҳ Пан Деминг изларидан дунё бўйлаб сафарга чиққан татқиқот гуруҳи раҳбари.

— Йигирманчи аср ҳам ниҳоялаб бормоқда. Йиллар ўтгани, асрлар интиҳосига етгани сайин жаҳон халқларига фақат бир нарса, тинч ва осуда ҳаёт муҳим ақлиги аён бўлиб бораётган. Дунёни гўзаллик қутқаради, деган иборат бежиз айтилмаган. Бизнинг жаҳон бўйлаб бошлаган бу сафаримиз ҳам фақат эзгуликка хиз-

САЙЁҲЛАР ҲАЙРАТИ

Мен Ўзбекистон тўғрисида кўп эшитган ва ўқиган эдим, уни ўзимча тасаввур ҳам қилиб юрардим. Мамлакатингизни ўз кўзим билан кўрдим. Минг эшитгандан, бир кўрган афзал, деган гап чинлигига амин бўлдим. Чунки, Ўзбекистон мен тасаввур қилгандан ҳам гўзал ва улғувор экан.

одамларини янги асарларимда акс эттиришни кўнглимга тугиб қўйдим.

ЦИ ЮНЬ, журналист: Мен Ўзбекистон ҳақида илгари кўп эшитганман. Айниқса, унинг Самарқанд ва Бухоро каби қадимий кентларини зиёрат этиш ва ушбу кўҳна шаҳарлар

«ЎЗБЕКИСТОН — ГЎЗАЛ МАМЛАКАТ»

Бу ерда ўтказилаётган ислохотлар ўзбек халқининг турмуш тарзидаги ижобий ўзгаришларни тобора кўпайтираётганига гувоҳ бўлдим. Буни биз одамлар билан бўлган мулоқотларда англадик.

Жанг Бау Хуа, мусаввир:

— Мен хизмат юзасидан кўп мамлакатларда бўлганман. Лекин, Ўзбекистондек гўзал улкани, ростини айтсам, ҳеч бир дийрга ўхшапти бўлмайди. Бир неча кундирки, мамлакатингизда миз. Таассуротларим чексиз. Бу ернинг табииати жуда ҳам сўлим ва унда қандайдир осудалик бор. Одамларини айтмайсизми, жуда ҳам меҳмондўст. Ўзбекистон манзараларини,

ҳақида ҳикоя қилувчи видеолавлар таёрлаш азалий орузим эди. Қувонарлиси шуки, сафаримиз айнан Марказий Осиёдан бошланди. Мен бундан жуда мамнунман. Аввало, Ўзбекистон табииати, осори атиқалари тўғрисидаги фильмлар менинг мазкур сафар мобайнидаги илк асарларим бўлади. Юртингиздаги ўзгаришларни ўзида акс эттираётган улкан қурилишлар ҳам бу видеолавлардан ўрин олади.

Энг муҳими, бу жараён қахрамонлари бўлган ўзбек кистонликлар яратилажак худалар марказида туради. Биз бу давраларни Хитой телевидениеси орқали намойиш этамиз.

Пан Фенг, Пан Деминг

Истиқлол мевалари

ҚўШМА КОРХОНАНИНГ АЖОЙИБ МАҲСУЛОТИ

Сув таъминоти, иситиш ёки совутиш тармоқларида коррозияга учрамайдиган, чўкиклардан ҳосил қилмайдиган, ҳид чиқармайдиган, муҳими гигиена жиҳатдан хавфсиз ва иқтисодий самарадор технологияга эҳтиёж катта. Бундай муваффақиятлик технологияни юртимизда ишлаб турган «АРТ ПЛАСТ» ўзбек-турк қўшма корхонаси таъсис этиши мумкин. Унинг яна бир яхши томони, осон ўрнатилди, узок вақтга чидайди ҳамда жаҳон стандартларига жавоб беради.

Жаҳоннинг жуда кўп мамлакатларида, ҳусусан Фарбода ва Америка қитъасида 25 йилдирки, иссиқ-совуқ сув ўтадиган тармоқлар, каналлаштирилган сувлар асосан манса шу пластик трубаўлар орқали ўтади. Унинг ҳақиқий номи полипропилен рандом қопқилиб бўлиб, 40 даражадаги совуқдан то 95 даража иссиқликкача сув ўтказса олади. Атмосфера босими 25 барикати ташкил этади. Бу технология қайси жиҳатлари билан афзал ва унга эҳтиёжининг юқорилигига сабаб нима?

Маълум бўлишича, ҳозир биздаги темир трубаўлар вақт ўтган сайин чирриша, занглаша, бир сўз билан айтганда коррозияга учрай бошлайди. Трубаўларни таъмир-

Нодир АЛИМОВ.

